

**Ўзбекистон Республикаси**  
**Давлат статистика қўмитасининг**  
**2016 йил 29 июндаги 9-сонли қарорига**  
**ИЛОВА**

**Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида**  
**ҳисоблаш бўйича услубий низом**

Ялпи ички маҳсулотни ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш бўйича мазкур услубий низом (кейинги ўринларда – Услубий низом) “Миллий ҳисоблар тизими – 2008” (кейинги ўринларда – МХТ 2008) концепцияларига асосланган ва давлат статистика органлари томонидан ялпи ички маҳсулотни (кейинги ўринларда – ЯИМ) иқтисодий фаолият турлари кесимида ҳисоблашда фойдаланиш учун мўлжалланган.

Услубий низом, тармоқ классификацияси сифатида Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичидан (кейинги ўринларда – ИФУТ-2) фойдаланган ҳолда, ЯИМни йиллик (батафсил ҳисоб-китоблар) ва чораклик (тезкор баҳолашлар) даврийликда ҳисоблашни кўзда тутди.

**1. Умумий қоидалар**

1. Ушбу услубий низомда қуйидаги асосий терминлар ва уларнинг таърифларидан фойдаланилади:

**миллий ҳисоблар тизими (МХТ)**, мамлакатнинг иқтисодий фаолияти натижаларини ифодаловчи ҳисоблар ва жадвалларнинг муайян тўплами шаклида тузилган, ўзаро боғлиқ статистик кўрсаткичлар тизимини ўзида акс эттиради;

**институционал бирлик** – ўз номидан активларга эга бўла оладиган, мажбуриятлар оладиган, иқтисодий фаолиятни ва бошқа бирликлар билан операцияларни амалга ошира оладиган хўжалик юритувчи субъектдир;

**ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)** – иқтисодий резидент-бирликлар ишлаб чиқариш фаолиятининг якуний натижасини ифодаловчи ва ушбу бирликлар томонидан якуний фойдаланиш учун ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати орқали ўлчанадиган МХТнинг асосий кўрсаткичларидан биридир;

**ишлаб чиқариш**, ҳисобот даврида резидент-бирликларнинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаси бўлиб, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматларнинг умумий қийматини ўзида акс эттиради;

**оралик истеъмол**, ишлаб чиқариш жараёнида харажатлар сифатида истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қийматини ўзида акс эттиради (асосий капитал истеъмоли сифатида акс эттириладиган асосий фондлар истеъмоли бунга киритилмайди);

**ялпи кўшилган қиймат**, ишлаб чиқарилган товарлар ва хизматлар қиймати (ишлаб чиқариш) ва ишлаб чиқариш жараёнида тўлалигича истеъмол қилинган товарлар ва хизматлар қиймати (оралиқ истеъмол) ўртасидаги фарқ орқали аниқланади;

**махсулотлар учун солиқлар** – товар ёки хизматнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда солинадиган солиқлар. Уларга кўшилган қиймат солиғи, акцизлар, экспорт ва импорт учун солиқлар ва бошқалар киради;

**махсулотлар учун субсидиялар** – давлат бюджетидан товарлар ёки хизматларнинг бир бирлигига, яъни резидентлар томонидан ишлаб чиқариладиган, сотиладиган ёки импорт қилинадиган товарлар ва хизматларнинг миқдори ёки қийматига мутаносиб тарзда тўланадиган маблағлар (субсидиялар);

**махсулотлар учун соф солиқлар** – махсулотлар учун субсидияларни чегириб ташлаган ҳолда, товар ва хизматларни сотиш нархларига киритилувчи махсулотлар учун солиқлар;

**асосий капитал истеъмоли**, ҳисобот даврида моддий ва маънавий эскириш ҳамда тасодифий зарарланиш натижасида асосий капитал қийматининг камайишини ифодалайди;

**иқтисодий аҳамиятга эга нархлар** – ишлаб чиқариш харажатларини қопловчи ва етарлича фойдани таъминловчи бозор нархларидир. Бу нархлар, ишлаб чиқарувчилар етказиб бермоқчи бўлган ва истеъмолчилар сотиб олмақчи бўлган махсулотлар миқдорига сезиларли таъсир кўрсатади.

**сотиб олиш нархи** – сотиб олувчи томонидан белгиланган вақтда ва белгиланган жойга етказиб берилган товар ёки хизмат бирлиги учун тўланадиган нарх. У товарни етказиб бериш бўйича савдо-воситачилик ва транспорт харажатларини, шунингдек, сотиб олувчи томонидан тўланадиган махсулотлар учун солиқларни ўз ичига олади, аммо махсулотларга субсидияларни ва чегириб ташланадиган кўшилган қиймат солиғини (ҚҚС) ўз ичига олмайди;

**асосий нарх** – ишлаб чиқарувчи томонидан харидордан товар ёки хизматнинг бирлиги учун олиниши лозим бўлган, махсулот ишлаб чиқарилиши ёки сотилиши натижасида тўланиши лозим бўлган ҳар қандай солиқни айириб, олинадиган ҳар қандай субсидияларнинг кўшилганига тенг бўлган нарх. У ишлаб чиқарувчи томонидан ҳисобварақ-фактураларда алоҳида кўрсатиладиган ҳар қандай транспорт харажатларини ўз ичига олмайди;

**ЯИМ физик ҳажм индекси (ФҲИ)**, доимий нархларда, яъни ўтган йилнинг мос даври нархларида ҳисобланган ҳисобот даври ЯИМни (реал ЯИМ), жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври ЯИМига нисбати орқали ҳисобланади;

**ЯИМ дефлятор индекси** – иқтисодиётда нархларнинг ўртача ўзгаришини ифодалайди ва номинал ЯИМнинг (жорий нархлардаги ҳисобот даври ЯИМ) реал ЯИМга нисбати орқали ҳисобланади.

2. ЯИМни ҳисоблашнинг ишлаб чиқариш усули МХТдаги ишлаб чиқариш ҳисобини тузиш тамойилларига асосланган бўлиб, ЯИМни асосий нархлардаги иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат ва маҳсулотлар учун соф солиқлар йиғиндиси сифатида баҳолашни кўзда тутлади. Ишлаб чиқариш усулида ҳисобланган ЯИМ устувор аҳамиятга эгаллиги бўйича асосий ўрин тутиши, бошланғич маълумотларнинг нисбатан юқори ишончлилиқ даражаси билан ҳамда мазкур усулнинг иқтисодиётдаги таркибий ўзгаришларни, алоҳида тармоқлар ва ҳудудларнинг ривожланиш тенденцияларини кузатиш имконини бериши билан боғлиқдир.

3. ЯИМ жорий нархларда, шунингдек физик ҳажм индекси ва дефлятор индексини ҳисоблаш мақсадида доимий нархларда баҳоланади. Иқтисодиётдаги фаол таркибий ўзгаришларни ҳисобга олиш мақсадида, таққослаш учун база йили сифатида ўтган йилнинг мос давридан фойдаланилади.

4. ЯИМ Давлат статистика ишлари дастурида кўзда тутилган муддатларда, йиллик ва чораклик даврийликда шакллантирилади.

5. ЯИМни йиллик баҳолаш асосий ҳисобланади. Йиллик баҳолашда турли иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқариш, якуний талабни қондириш учун товарлар ва хизматлардан фойдаланиш кўрсаткичлари, шунингдек даромадларни шаклланиши жараёнларининг юқори даражадаги мувофиқлашувига эришилади. Шу билан бирга, ЯИМни йиллик баҳолаш ИФУТ-2 секциялари даражасида шакллантирилади. Иқтисодий фаолият турлари бўйича йиллик ЯИМ таркиби схемаси 1-иловада келтирилган.

6. ЯИМни чораклик баҳолаш жорий иқтисодий динамикани тавсифлаш мақсадида ишлаб чиқилади ва йиллик баҳолашлар давомида батафсилроқ маълумотлар асосида аниқлаштириладиган йил давомидаги кўрсаткич ҳисобланади. Шу билан бирга, ЯИМни чораклик баҳолаш, йиллик баҳолашдан фарқли равишда, юқори даражада жамлаш асосида шакллантирилади. Иқтисодий фаолият турлари бўйича чораклик ЯИМ таркиби схемаси 2-иловада келтирилган.

## **2. Ишлаб чиқариш, оралиқ истеъмол ва ялпи қўшилган қийматни шакллантириш**

7. Ишлаб чиқариш, бозор нархларида сотиладиган товарлар ва хизматлар, ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган товарлар (якуний истеъмол ва ялпи жамғариш учун), давлат бюджети, мақсадли ва бюджетдан ташқари махсус давлат жамғармалари ҳамда уй хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи нотижорат ташкилотлари маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган жамоавий ва якка тартибдаги хизматларни ишлаб чиқаришга сарфланган жорий харажатларнинг умумий қиймати билан ўлчанади.

8. Ишлаб чиқариш, ишлаб чиқариш жараёнида товарлар ва хизматлар яратилган вақтда қайд этилади ва баҳоланади. Баҳолаш усулларидаги фарқларни инобатга олиб, умумий ишлаб чиқаришнинг қуйидаги турлари фарқланади: бозор учун ишлаб чиқариш, нобозор ишлаб чиқариш ва ўзининг якуний истеъмоли учун ишлаб чиқариш.

9. Бозор учун ишлаб чиқариш асосий нархларда баҳоланади ва қуйидагиларнинг қийматини ўз ичига олади:

иктисодий аҳамиятга эга нархларда сотиладиган товарлар ва хизматлар;

бошқа товарлар, хизматлар ёки активларга бартер усулида айирбошланадиган товарлар ва хизматлар;

иш берувчилар томонидан ўз ходимларига натура шаклида меҳнатга ҳақ тўлаш сифатида бериладиган товарлар ва хизматлар;

корхонанинг бирор бўлинмаси томонидан ишлаб чиқарилган ва ушбу корхонанинг бошқа бўлинмасига жорий даврда ёки келгусида ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун жўнатилган товарлар ёки хизматлар (масалан, қишлоқ хўжалиги корхоналарида ишлаб чиқарилган ва истеъмол қилинган уруғ ва ем-хашак; конларда кўмир брикетларини ишлаб чиқаришда ишлатилган кўмир; хўжалик усулида қурилиш учун ишлатилган материаллар; ёрдамчи хўжаликлар томонидан корхонага тегишли бўлган ошхоналарга, болалар муассасаларига, дам олиш уйларига берилган озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқалар);

ишлаб чиқарувчининг моддий айланма воситалари захираларига келиб тушувчи ва юқорида айтиб ўтилган бозорга оид мақсадларда фойдаланишга мўлжалланган тайёр маҳсулот ва тугалланмаган ишлаб чиқариш.

10. Нобозор ишлаб чиқариш, ишлаб чиқаришга кетган жорий харажатлар бўйича баҳоланади ва давлат бюджет муассасалари ва ноτιжорат ташкилотлар томонидан уй хўжаликларига бепул ёки иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган нархларда тақдим этиладиган индивидуал характерга эга бўлган товарлар ва хизматлар (бепул таълим ва тиббий хизмат) ёки ишлаб чиқарилиши давлат томонидан ташкил этиладиган ва давлат бюджетидан молиялаштириладиган, жамиятга умумий тарзда бепул тақдим этиладиган жамоавий хизматлар (давлат бошқаруви органлари, мудофаа хизматлари ва бошқалар) қийматини ўз ичига олади.

11. Ўз якуний истеъмоли учун ишлаб чиқариш қуйидагиларнинг қийматини ўз ичига олади:

уй хўжаликлари томонидан ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги ва бошқа маҳсулотлар;

ўз уйида яшаш бўйича хизматлар;

ҳақ тўланадиган уй хизматчилари хизматлари;

корхонанинг ўзида келгусида ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун қоладиган, ўз истеъмоли учун ишлаб чиқарилган асосий фондлар (асосий капиталнинг ялпи жамғармаси).

12. Оралиқ истеъмолга товарлар харажатлари ва хизматлар харажатлари киради.

Товарлар харажатларига қуйидагилар киради:

яқуний маҳсулотда мужассамлашган хом ашё ва материаллар;

одатдаги технологияга мувофиқ ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланилган материаллар (масалан, синовдан ўтказиш ва сифатни назорат қилишда ишлатилган материаллар; асбоб-ускуналар, бинолар ва бошқа асосий фондларни жорий сақлаб туриш, ишлатиш ва таъмирлаш учун зарур бўладиган материаллар; асбоб-ускуналарни таъмирлаш учун бутловчи қисмлар; асосий фондлар таркибига киритилмайдиган ускуналар, ўлчаш асбоблари, мосламалар, лаборатория асбоб-ускуналари; иш кийимлари ва пойабзаллари, ходимларнинг махсус озиқ-овқатлари ва арзон нархли буюмлар);

корхонада йиғилаётган ярим фабрикатлар ва деталлар;

барча турдаги энергияни ишлаб чиқаришга, иситишга, ўз ишлаб чиқаришига хизмат кўрсатадиган транспорт ишларига сарфланган барча турдаги ёқилғи;

корхонанинг технологик ва бошқа ишлаб чиқариш ҳамда хўжалик эҳтиёжларига сарфланадиган барча турдаги энергия; корхонанинг ўзи ишлаб чиқарадиган электр энергияси ва бошқа турдаги энергиялар ҳамда сотиб олинган энергияни ўзгартириш ва уни истеъмол қилиш жойига етказиб бериш билан боғлиқ харажатлар;

қадоқлаш материалларининг соф қиймати (яъни, қадоқлаш материалларини сотиб олиш қийматидан уларни ишлатишдан олинган маблағларни чегирилган ҳолда);

моддий ресурсларнинг етишмаслиги билан боғлиқ йўқотишлар;

ходимларнинг керакли асбоблар, иш кийимларига сарфлаган харажатларини қоплаб бериш;

меҳмонхоналар, ресторанлар ва кафелар томонидан озиқ-овқат, тамаки маҳсулотлари ва ичимликларни сотиб олиниши;

корхонанинг маълум бир бўлинмаси томонидан бошқа бўлинмасига ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун етказиб берилган товарлар (масалан, қишлоқ хўжалиги корхонасининг маълум бир бўлинмаси ишлаб чиқарган ва бошқа бўлинмасига истеъмол қилиш учун етказиб берилган уруғлар ва ем-хашаклар);

Хизматлар харажатларига қуйидагилар киради:

бошқа ташкилотлар томонидан бажарилган ишлаб чиқариш хусусиятига эга ишлар ва хизматлар (хом ашёни қайта ишлаш, таъмирлаш ва транспорт ишлари, хом ашё сифатини текшириш ишларини ўтказиш ва бошқалар);

алоқа ва ҳисоблаш марказлари хизматларига тўловлар;

ўқув муассасаларига ходимларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ тўловлар;

соғлиқни сақлаш муассасаларига диспансеризация, вакцинация ва бошқа шу каби хизматлар учун тўловлар;

бинолар, иншоотлар, машина ва ускуналар учун ижара тўловлари;

чиқиндиларни йиғиштириш ва утилизация қилиш каби коммунал хизматларга тўловлар;

юридик хизматлар учун тўловлар;

реклама ҳамда нусха кўчириш, чипталарни буюртма қилиш каби бошқа тадбиркорлик хизматлари ва профессионал бирлашмалар хизматлари учун тўловлар;

товарларни лицензиялаш ва сертификатлаш тўловлари;

ёнғин хавфсизлиги ва қўриқлаш хизматига тўловлар;

абонентлик хизмати учун тўловлар;

даврий нашрларга обуна бўлиш билан боғлиқ тўловлар;

мутахассисларни хизмат сафарига юбориш билан боғлиқ транспорт ва меҳмонхона хизматлари, шунингдек, йўл пули харажатлари;

молиявий хизматлар учун тўловлар.

13. Оралиқ истеъмолга, молиявий хизматлар учун тўғридан-тўғри тўловлар билан бирга, билвосита ҳисобланадиган молиявий воситачилик хизматлари ҳам киритилади.

14. Оралиқ истеъмол, товарлар ишлаб чиқариш жараёнида истеъмол қилинган вақтда амалда бўлган сотиб олиш нархларида баҳоланади. Шу сабабдан, бухгалтерия ҳисоби маълумотларига кўра аниқланган оралиқ истеъмолга тузатишлар киритилади. Тузатишлар, ишлаб чиқариш захираларини сақлаш давридаги нархларни ўртача ўзгаришини ҳисобга олган ҳолда, оралиқ истеъмолни қайта баҳолашдан иборат бўлади.

15. Оралиқ истеъмол таркибига қуйидагилар кирмайди:

табиий хом ашёлардан фойдаланиш билан боғлиқ харажатлар (минерал хом ашё базасини такрор ҳосил қилишга, ерни рекультивация қилишга ажратмалар, ўсиб турган жойида сотиладиган дарахтлар учун, сув хўжалиги тизимларидан олинадиган сув учун тўловлар), чунки улар бюджетга тўланадиган тўловларни ифодалайди.

корхона томонидан ўз ходимларига натура кўринишидаги иш ҳақи сифатида бепул ёки пасайтирилган нархларда бериладиган товарлар ва хизматлар, натура кўринишидаги ижтимоий нафақалар, корхона бўлинмалари томонидан ходимларга ва уларнинг оила аъзоларига кўрсатиладиган ижтимоий-маданий хизматлар (идора (корхона) тасарруфидаги турар жойлар, касалхоналар, мактабгача таълим муассасалари, клублар ва бошқалар) қиймати;

асосий фондларни капитал таъмирлаш харажатлари;

асосий капитал истеъмоли;

асосий фондлар ва ноишлаб чиқариш активларига эгалик ҳуқуқларини бериш билан боғлиқ харажатлар (улар асосий капиталнинг ялпи жамғармасига киритилади);

ердан фойдаланганлик учун ижара тўлови (мулкдан олинадиган даромадларга киритилади).

нефть, табиий газ ва бошқа фойдали қазилма конларини излаш билан боғлиқ геологик кидирув, бурғулаш ишлари ва бошқаларга харажатлар (асосий капиталнинг ялпи жамғармасига киритилади);

мелиорация ва ерларни тозалаш ишлари, ўрмонлар ва боғлар барпо этиш бўйича тайёргарлик ишлари ва шу кабиларни ўз ичига олувчи ерларни яхшилаш ишларига капитал харажатлар (асосий капиталнинг ялпи жамғармасига киритилади);

илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига харажатлар (мазкур фаолият эгасига иқтисодий фойда келтирмаслиги аниқ бўлган ҳолатлар бундан мустасно);

давлат томонидан захирани тўлдириш учун товарлар сотиб олиниши.

16. Асосий нархларда иқтисодий фаолият турларининг ялпи қўшилган қиймати, асосий нархлардаги ишлаб чиқариш ва сотиш нархларидаги оралиқ истеъмол ўртасидаги фарқ орқали аниқланади.

### **3. ЯИМни баҳолаш учун ахборот манбаи**

17. Ишлаб чиқаришни баҳолаш учун ахборот манбаи бўлиб, ҳар йили тасдиқланадиган Давлат статистика ишлари дастурида бажарилиши назарда тутилган кенг кўламдаги ахборот ресурслари (иқтисодий фаолият турларининг қисқа муддатли кузатувлари, кичик корхоналар, микрофирмалар ва якка тартибдаги тадбиркорларнинг танланма кузатувлари, уй хўжаликлари бюджети кузатувлари, корхоналар ва ташкилотларнинг таркибий кузатувлари, шунингдек, давлат бюджетининг ижроси тўғрисида, божхона ва солиқ органларининг маъмурий маълумотлари, бюджетдан ташқари жамғармаларнинг, Марказий банкнинг молиявий кўрсаткичлари ва бошқалар) хизмат қилади.

18. Оралиқ истеъмолни йиллик даврийликда ҳисоблаш, корхона ва ташкилотларнинг таркибий кузатувлари, давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари ва эксперт баҳолашлар асосида амалга оширилади.

19. Иқтисодий фаолият турлари бўйича оралиқ истеъмолни чораклик даврийликда ҳисоблаш, аниқлик киритилган йиллик ҳисоб-китоблар асосида, оралиқ истеъмолнинг ишлаб чиқаришдаги улушидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

20. ЯИМни тезкор чораклик баҳолашда қатор кўрсаткичлар бўйича бевосита маълумотларнинг мавжуд эмаслиги сабабли, ЯИМни ҳисоблаш билвосита кўрсаткичлар ва эксперт баҳолашлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

### **4. ЯИМни доимий нархларда баҳолаш**

21. ЯИМни доимий нархларда ҳисоблаш, маълум бир давр мобайнидаги иқтисодий ўсиш суръатларини аниқлаш мақсадида амалга оширилади. Доимий нархлардаги ЯИМ, турли усуллар ва маълумот манбаларидан фойдаланиб доимий нархларда алоҳида ҳисобланган

иктисодий фаолият турларининг ялпи қўшилган қийматлари ва маҳсулотлар учун соф солиқлар йиғиндисидан иборат бўлади.

22. ЯИМ таркибини доимий нархларда ҳисоблаш икки асосий усулдан фойдаланган ҳолда амалга оширилади:

жорий нархлардаги ҳисобот даври маълумотларини мос нархлар индекси орқали дефляция қилиш;

жорий нархлардаги ўтган йилнинг мос даври маълумотларини физик ҳажм индекслари ёки ушбу иқтисодий фаолият турининг ривожланиш суръатларини мантиқан тўғри ифодаловчи натурал индикаторлар орқали экстраполяция қилиш.

23. Айрим ҳолларда кўрсаткичларни доимий нархларда ҳисоблашнинг тўғридан-тўғри қайта баҳолаш усули ҳам қўлланилади, бу усул ҳисобот даврида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдорини ўтган йилни мос даври нархларига кўпайтириш орқали амалга оширилади. Бу усул асосан қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш кўрсаткичларини баҳолаш учун ишлатилади, чунки унда чекланган сонли бир турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

24. ЯИМ таркибий қисмларини ҳисоблашда асосан дефляция усулидан фойдаланилади, мос нархлар индекси мавжуд бўлмаган ҳолларда экстраполяция қилиш усули қўлланилади.

25. ЯИМнинг таркибий қисмлари жамланган қийматлар бўлганлиги сабабли, уларни баҳолаш усуллари юқорида айтиб ўтилган усуллар комбинациясидан иборат бўлади.

## **5. Иқтисодий фаолият турлари бўйича ишлаб чиқаришни ҳисоблашнинг ўзига хос хусусиятлари**

### *Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги (А секция)*

26. Қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалигига боғлиқ ёрдамчи хизматларни кўрсатиш қиймати, шунингдек, овчилик, ёввойи ҳайвонларни кўпайтириш фаолияти турлари маҳсулотлари ва шу соҳадаги хизматлар кўрсатиш қийматлари йиғиндисидан иборат.

27. Деҳқончилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш қийматига жорий йил ҳосилидан олинган барча тайёр маҳсулотлар (дон, техник экинлар, картошка, сабзавотлар ва полиз экинлари, мевалар ва резаворлар, озуқабоп экинлар), уруғлар, кўчатлар қиймати ва ҳисобот даврида тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматининг ўзгариши киритилади.

28. Ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қиймати, қишлоқ хўжалиги ҳайвонларини етиштириш натижасида олинган маҳсулотлар (сут, тухум, жун ва б.) қийматини, сотилган чорва ва паррандалар қийматини, чорва бош сони қийматининг ўзгаришини, асаларичилик ва ипакчилик маҳсулоти қийматини ўз ичига олади.

29. Ишлаб чиқарилган деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларининг қийматини жорий нархларда ҳисоблаш, ҳар бир хўжаликлар тури бўйича, ҳисобот даврида ишлаб



чиқарилган барча қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ўртача сотиш нархида тўғридан-тўғри баҳолаш орқали амалга оширилади.

30. Деҳқончиликда тугалланмаган ишлаб чиқариш қийматининг ўзгариши келгуси давр ҳосили учун харажатлар қийматидан келиб чиқиб ҳисобланади.

31. Қишлоқ хўжалигида хизматлар кўрсатиш қиймати, қишлоқ хўжалиги соҳасида хизмат кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахсларни статистик кузатув натижаларига кўра, шунингдек, давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида нобозор хизматлар кўрсатишни баҳолаш орқали аниқланади.

32. Овчилик, ўрмончилик ва балиқчилик хўжалиги маҳсулотлари ва хизматлари қийматини ҳисоблаш, тегишли хўжаликларнинг маҳсулот ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш ҳажмлари акс этадиган статистик кузатувлар шакллари бўйича ишланмаларга мувофиқ амалга оширилади. Ўрмон хўжалиги маҳсулотлари ва хизматлари қийматига, шунингдек, давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида ҳисобланган нобозор хизматлари ҳажми ҳам киритилади.

#### *Саноат (B, C, D, E секциялар)*

33. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми тўғрисидаги маълумотлар қуйидаги иқтисодий фаолият турлари бўйича шакллантирилади: тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш (B секция); ишлаб чиқарадиган саноат (C секция); электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш (D секция); сув билан таъминлаш, канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш (E секция).

34. Ушбу секциялар бўйича ишлаб чиқаришга қуйидагиларнинг саноат фаолияти киради:

тижорат корхоналари ва ташкилотлари (кичик корхоналар, микрофирмалар ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчиларидан ташқари);

кичик корхоналар ва микрофирмалар;

қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари ва нотижорат ташкилотларининг саноат бўлинмалари;

уй хўжаликларининг сотиш учун ва ўз истеъмоли учун ишлаб чиқариш фаолияти.

35. Саноат ишлаб чиқариши қийматига қуйидагилар киради: ҳисобот даврида ҳам ўз хом ашё ва материалларидан, ҳам буюртмачи хом ашё ва материалларидан ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотлар (қайта ишлашга берилган хом ашё); ҳисобот даврида бошқа ташкилотларга, ўзига тегишли капитал курилиш ва носаноат бўлинмаларига берилган, ўзи ишлаб чиқарган ярим фабрикатлар; тугалланмаган ишлаб чиқаришдаги ўзгаришлар; бошқа ташкилотларнинг буюртмалари бўйича, ўзининг капитал курилиши ва носаноат бўлинмалари учун бажарилган саноатга оид ишлар (хизматлар), шунингдек, ўз асбоб-ускуналарини модернизациялаш ва реконструкция қилиш ишлари.

36. Саноат ишлаб чиқаришини ҳисоблашда, қайта ишлашга берилган хом ашёдан ишлаб чиқарилган маҳсулот, қайта ишлашга берилган хом ашё қийматини ўз ичига олган

ҳолда ушбу маҳсулотнинг тўлиқ қийматини ифодалайди. Қўшилган қийматни ҳисоблашда такрор ҳисобга олишга йўл қўймаслик мақсадида, қайта ишлашга берилган хом ашё қиймати оралиқ истеъмолга қўшилади.

### *Қурилиш (F секция)*

37. Қурилиш узоқ муддат давом этувчи ишлаб чиқариш фаолияти эканлиги сабабли, мазкур секция бўйича маҳсулот ишлаб чиқарилиши, қурилиш ишларининг якунланишига қараб эмас, балки уларнинг бажарилишидан келиб чиққан ҳолда ҳисобга олинади. Қурилиш ишлаб чиқариши ҳажмига, қурилиш-монтаж ишларидаги каби, қурилиш материалларига қилинган харажатлар киритилади, аммо асбоб-ускуналар қиймати киритилмайди.

38. Қурилиш бўйича ишлаб чиқариш, бино ва иншоотларни пудрат ёки хўжалик усулида қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишлари қийматини, шунингдек, пудрат ташкилотларини жалб қилмаган ҳолда турар жой ва нотурар жой объектларини қуриш, яқка тартибдаги турар жойларни капитал таъмирлаш бўйича яқка тартибдаги қурувчиларнинг амалга оширган ишлари қийматини ўзида акс эттиради. Қурилиш ишлаб чиқариши қийматини ҳисоблашда, ёрдамчи пудратчи томонидан бош пудратчи учун бажарилган ишлар қиймати қурилиш бўйича ишлаб чиқаришга алоҳида банд сифатида киритилмайди, лекин бу ишлар бош пудратчи томонидан бажарилган ишлар умумий қийматининг бир қисми ҳисобланади.

### *Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш (G секция)*

39. Асосий нархларда чакана ва улгуржи савдо (автомобиллар ва мотоцикллар, уларнинг қисмлари, қурилмалари ва жиҳозлари савдосини қўшган ҳолда) ишлаб чиқариши, қайта сотиш учун сотиб олинган товарлардан тушган савдо устама нархлари (сотишдан тушган устамалар) ҳажми билан ўлчанади. Савдо устамаси, сотилган товарларнинг сотиш ва сотиб олиш нархлари орасидаги фарқдан қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) ва маҳсулотлар учун бошқа солиқларни айириб, маҳсулотлар учун субсидияларни қўшган ҳолда аниқланади.

40. Савдо устамаси савдо ташкилотларининг айланма харажатларни қоплаш ва фойдани шакллантиришга ишлатиладиган ялпи даромадини ўзида ифодалайди.

41. Моторли транспорт воситалари ва мотоциклларга техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш хизматлари қиймати хизматлар кўрсатишдан тушган тушум миқдорида белгиланади.

### *Ташиш ва сақлаш (H секция)*

42. “Ташиш ва сақлаш” иқтисодий фаолият тури бўйича ишлаб чиқариш, барча турдаги транспортларда юк ташиш (юк транспорти) ва йўловчи ташиш (йўловчи транспорти),

шунингдек, омборларга жойлаш ва сақлаш хизматлари, ташишдаги ёрдамчи хизматлар, почта ва курьерлик хизматларидан олинган даромадлар йиғиндиси сифатида аниқланади.

43. Ишлаб чиқаришни ҳисоблаш, барча турдаги корхона ва ташкилотлар, шунингдек тижорат мақсадида автоташишлар билан шуғулланувчи хусусий автотранспорт воситалари эгалари - жисмоний шахслар томонидан ташиш ва сақлаш хизматларини кўрсатишдан амалда олинган даромадлар тўғрисидаги статистик маълумотлардан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

#### *Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар (I секция)*

44. Яшаш бўйича бозор хизматларини ишлаб чиқариш, ушбу хизматлар кўрсатишдан тушган тушум қиймати сифатида аниқланади. Бошқа фаолият турларига тааллуқли бўлган корхоналар бўлинмаларининг нобозор хизматлар ишлаб чиқариши, корхоналарнинг ўз маблағлари ҳисобидан яшаш хизматларига сарфлаган харажатлари миқдорида белгиланади.

45. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва ичимликлар билан таъминлаш бўйича хизмат кўрсатувчи ташкилотларнинг ишлаб чиқариши, уларнинг товар айланмасидан (яъни, сотишдан тушган устамадан ташқари, таом тайёрлашда ишлатилган маҳсулотларнинг қиймати қўшилади) ҚҚСни айриб ташланганига тенг бўлади.

#### *Ахборот ва алоқа (J секция); Бошқариш ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш бўйича фаолият (N секция); Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш (S секция)*

46. Ушбу фаолият турларининг ишлаб чиқариши бозор ва нобозор хизматлар бўйича алоҳида баҳоланади.

47. Бозор хизматларининг ишлаб чиқариш қиймати, юқорида кўрсатиб ўтилган хизматлар учун тушган тушумлар йиғиндиси сифатида белгиланади. Бюджетдан молиялаштирилган ташкилотларнинг нобозор хизматлар ишлаб чиқариши, давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари асосида жорий харажатлар бўйича аниқланади. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг хизматлар ишлаб чиқариши, уларнинг асосий фаолияти билан боғлиқ жорий харажатлари бўйича баҳоланади.

48. Нобозор хизматлар ишлаб чиқаришини жорий харажатлар бўйича баҳоланганда асосий капитал истеъмоли қўшилади.

#### *Молия ва суғурта фаолияти (K секция)*

49. Ушбу секциянинг ишлаб чиқариши, молиявий хизматлар, шу жумладан суғурталаш, қайта суғурталаш ва пенсия жамғармалари фаолиятини, шунингдек молиявий хизматлар ҳамкорлигидаги фаолиятларни ўз ичига олади. Мазкур секция, шунингдек, холдинг компаниялари ва трестлар, фондлар ва бошқа шу каби молиявий ташкилотлар фаолиятини ўз ичига олади.

50. Суғурта ва пенсия таъминоти хизматларидан ташқари молиявий хизматларни ишлаб чиқариш алоҳида Марказий банк, тижорат банклари ва бошқа молия-кредит ташкилотлари бўйича ҳам аниқланади.

51. Марказий банкнинг ишлаб чиқариши жорий харажатлар йиғиндиси бўйича (асосий капитал истеъмоллини қўшган ҳолда) баҳоланади.

52. Тижорат банклари ва бошқа молиявий воситачиларнинг хизматлари қийматига қуйидаги хизматлар турлари киритилади:

бевосита (тўғридан-тўғри) тўловлар эвазига кўрсатиладиган молиявий хизматлар;

фоиз тўловлари воситасида тўланадиган молиявий хизматлар;

молия бозорларида молиявий активлар ва мажбуриятларни сотиб олиниши ва чиқиб кетиши бўйича молиявий хизматлар.

53. Бевосита тўловлар эвазига кўрсатиладиган молиявий хизматлар қиймати, тўғридан-тўғри йиғимлар ва комиссия тўловлар миқдорида белгиланади.

54. Молиявий воситачилик хизматларига шунингдек, банклар ва молиявий воситачилар сифатида иш кўрадиган бошқа молиявий муассасалар томонидан айрим бирликларнинг вақтинча бўш пул маблағларини жамғариши ҳамда уларни фойдаланиш учун бошқа бирликларга бериши ҳам киради. Банклар томонидан пул маблағларини берганлик учун ундириладиган фоизлар улар томонидан жалб қилинган маблағлар учун фоизлар тўловини, шунингдек уларнинг жорий харажатларини қоплашни ва фойда олишни таъминлаши лозим. Ушбу хизматлар қиймати, олинadиган (кредитлар бўйича) ва тўланадиган (депозитлар бўйича) амалдаги фоиз ставкалари билан референт (базис) ставка ўртасидаги тафовут асосида билвосита йўл билан аниқланади.

55. Суғурта ва пенсия таъминоти хизматлари ишлаб чиқариши, суғурта ташкилотлари ва нодавлат пенсия жамғармалари хизматларини ўз ичига олади. Молиявий муассасалар секторига киритиладиган ва фақат суғурта компаниялари ҳамда нодавлат пенсия жамғармалари фаолиятини қамраб оладиган суғурта фаолиятини давлат бошқаруви секторининг бир қисми бўлган давлат ижтимоий суғурта жамғармалари фаолиятдан фарқлаш лозим.

56. Молия бозорларида молиявий активлар ва мажбуриятларни сотиб олиниши ва чиқиб кетиши бўйича молиявий хизматлар ишлаб чиқариши, амалга оширилган битимлардан олинган маржа миқдорида белгиланади.

57. Суғурта хизматлари ишлаб чиқариши қуйидагича ҳисобланади:

хаёт суғуртаси бўйича ишлаб чиқариш, суғурта мукофотлари (ҳақиқатда ишлаб топилган) ва қўшимча мукофотларни (суғурта захираларини инвестиция қилишдан олинган даромад) ўз ичига олади ва бундан суғурта товонлари (тўлаш муддати келганлари) ҳамда актуар захиралар ўсиши (фойдада иштирок этиш билан суғурталаш бўйича захираларни қўшган ҳолда) чегириб ташланади;

суғуртанинг бошқа турларини ишлаб чиқариши (хаётни суғурталаш ва ижтимоий суғуртадан ташқари), суғурта мукофотларини (ҳақиқатда ишлаб топилган) ва қўшимча

мукофотларни (суғурта захираларини инвестиция қилишдан олинган даромад) ўз ичига олади ва бундан тузатишлар киритилган суғурта товонлари (тўлаш муддати келганлари) чегириб ташланади.

58. Умумий ёндашувга мувофиқ, суғурта хизматлари ишлаб чиқаришини ҳисоблашда қайта суғурталаш суғурта мукофотлари ва суғурта тўловлари таркибига киритилади.

Резидент суғурта компанияларининг қайта суғурталаш хизматлари ишлаб чиқариши тўғридан-тўғри суғурталашдаги каби усулда ҳисобланади, бу хизматларнинг қиймати эса суғурта компаниясининг оралиқ истеъмолида акс эттирилади.

Норезидент компаниялар орқали амалга оширилган қайта суғурталаш операциялари суғурта хизматларининг импорти ва экспорти таркибига киритилади.

59. Нодавлат пенсия жамғармалари ишлаб чиқаришига, пенсия бадаллари ва пенсия бадалларини қўйишдан олинган инвестицион даромадлар, пенсия тўловлари ва пенсия захираси ўсишини чегириб ташлаган ҳолда киритилади.

#### *Кўчмас мулк билан операциялар (L секция)*

60. Кўчмас мулк билан операциялар бўйича ишлаб чиқариш, ихтисослаштирилган бирликлар, шунингдек, бошқа тармоқ корхоналари томонидан иккиламчи фаолият сифатида амалга ошириладиган хизматлар қиймати миқдорида белгиланади.

61. Мулкни ижарага беришдан тушган тушумлар бюджет муассасасини молиялаштиришнинг асосий манбаи бўлган ҳолларда, олинган ижара тўловининг қиймати ушбу фаолият турининг ишлаб чиқариш қийматига киритилади.

62. Ишлаб чиқариш ҳажмига, шунингдек, ўз уйида яшаш бўйича шартли ҳисобланган хизматлар қиймати ҳам киритилади.

#### *Профессионал, илмий ва техник фаолият (M секция)*

63. Ушбу фаолият тури ишлаб чиқариши, ҳуқуқ, бухгалтерия ҳисоби, илмий тадқиқотлар, ветеринария, реклама, маркетинг, архитектура, муҳандислик изланишлари, техник синовлар ва таҳлиллар соҳасида, шунингдек, бошқарув масалалари бўйича корхоналар (ташкilotлар)га маслаҳат хизматлари, уларнинг бўлинмаларини назорат қилиш ва бошқариш бўйича кўрсатилган хизматлар қиймати миқдорида аниқланади.

64. Бунда, МҲТ тамойилларига асосан илмий тадқиқотлар ва ишланмалар корхоналар (ташкilotлар) учун ёрдамчи фаолият ҳисобланмайди, балки иккиламчи фаолият ишлаб чиқариши сифатида кўриб чиқилади.

65. Бозор учун ишлаб чиқарувчиларнинг ўз кучи билан амалга ошираётган илмий тадқиқотлар ва ишланмалари қиймати, илмий тадқиқотлар тижорат асосида шартнома бўйича амалга оширилганда тўланиши лозим бўлган асосий нархларда баҳоланади, лекин

амалий жиҳатдан қийинчиликларни ҳисобга олиб, асосий капитал истеъмолини қўшган ҳолда ишлаб чиқаришга кетган харажатлар асосида муқобил баҳолашга йўл қўйилади.

66. Махсус лабораториялар ёки институтлар томонидан тижорат асосида амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар ва ишланмаларнинг қиймати сотишдан, шартномалардан, воситачилик тўловларидан ва шу каби бошқа тушумларнинг йиғиндиси бўйича баҳоланади.

67. Давлат бошқаруви сектори бирликлари, университетлар, нотижорат илмий-тадқиқот ташкилотлари ва шу кабилар томонидан амалга ошириладиган илмий тадқиқотлар ва ишланмалар қиймати, нобозор ишлаб чиқариш ҳисобланади ва асосий капитал истеъмолини қўшган ҳолда ишлаб чиқаришга кетган харажатлар йиғиндиси бўйича баҳоланади. Уларнинг ишлаб чиқаришини ҳисоблаш учун давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот ва нотижорат ташкилотларининг статистик ҳисоботлари маълумотларидан фойдаланилади.

*Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот (О секция)*

68. Давлат бошқаруви, мудофаа ва мажбурий ижтимоий таъминот хизматлари, давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот, бюджетдан ташқари жамғармалар, шунингдек, давлат бошқаруви бўйича хизматлар кўрсатувчи нотижорат ташкилотларининг ҳисоботи маълумотларини қўллаган ҳолда нобозор хизматлар сифатида баҳоланади. Нобозор хизматлар ҳажми, жорий харажатлар – оралиқ истеъмоли, ёлланма ишчиларнинг иш ҳақлари (барча ажратмаларни қўшган ҳолда), ишлаб чиқаришга бошқа солиқлар ва асосий капитал истеъмоли йиғиндиси сифатида ҳисобланади.

*Таълим (Р секция); Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиши (Q секция); Санъат, кўнгул очии ва дам олиши (R секция)*

69. Ушбу фаолият турлари ишлаб чиқариш қийматида куйидагилар киритилади:

тижорат корхоналари ва жисмоний шахсларнинг бозор хизматлари (масалан, репититорлик, болалар, касаллар ва қарияларни парваришlash ва б.);

давлат бюджетидан молиялаштириладиган муассасалар хизматлари;

тегишли фаолият турлари бўйича хизматлар кўрсатувчи нодавлат нотижорат ташкилотлари хизматлари;

бошқа тармоқларга тегишли бўлган корхоналар бўлинмаларининг хизматлари.

70. Тижорат корхоналари ва жисмоний шахсларнинг хизматлар ишлаб чиқариши ҳажми, уларнинг хизмат кўрсатишдан тушган тушумлари миқдори билан аниқланади.

71. Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган муассасаларнинг хизматлар ишлаб чиқариши, давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисобот маълумотлари бўйича тегишли мақсадлар учун жорий харажатлар миқдори билан

(стипендиялар, пенсиялар, нафақалар ва бошқа пул ўтказмаларини ҳисобга олмаган ҳолда; асосий капитал истеъмолини қўшган ҳолда) аниқланади.

72. Нодавлат нотижорат ташкилотларининг хизматлар ишлаб чиқариши, уларнинг асосий фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ жорий харажатлари бўйича (асосий капитал истеъмолини қўшган ҳолда) баҳоланади.

73. Бошқа тармоқларга тегишли бўлган корхоналар бўлинмаларининг хизматлар ишлаб чиқариш ҳажми, ижтимоий-маданий соҳага тегишли объектларни сақлаш харажатлари миқдори билан аниқланади.

## **6. Маҳсулотларга солинадиган соф солиқлар**

74. Маҳсулотлар учун солиқларга: қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва экспорт-импорт операцияларига солиқлар, шу жумладан, божхона тўловлари, давлатнинг экспорт-импорт операцияларидан олган даромадлари ҳамда Давлат бюджетига ва бюджетдан ташқари жамғармаларга ўтказиб бериладиган шунга ўхшаш тўловлар киради.

75. Ишлаб чиқариш ва импорт билан боғлиқ бўлган солиқлар товарлар ёки хизматлар ишлаб чиқарилган, сотилган ёки импорт қилинган пайтда, яъни солиқ тўлаш мажбурияти юзага келганда қайд этилади ва ҳисобланган маблағлар бўйича ҳисобга олинади. Ҳисобланган маблағлар бўйича маълумотлар мавжуд бўлмаган ҳолатларда, Давлат солиқ қўмитасининг ҳақиқатда келиб тушган солиқ тушумлари бўйича ҳисоботи ва Давлат божхона қўмитасининг солиқ тўловлари, шунингдек, Молия вазирлигининг Давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги ҳисоботи маълумотларидан фойдаланиш мумкин.

76. Жорий нархларда маҳсулотлар учун субсидиялар Молия вазирлигининг Давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботининг харажатлар қисми маълумотларига мувофиқ ҳисобга олинади.

## **7. Яқуний қондалар**

77. Таққослама ва таркибий таҳлил ҳамда муайян давр учун ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг турли тавсифларини умумлаштириш мақсадларида, номинал ялпи ички маҳсулот, яъни кўриб чиқиладиган даврнинг жорий нархларидаги ЯИМ ҳисобланади.

78. ЯИМ мамлакат ривожланишини умумлаштирувчи кўрсаткич ҳисобланади ва ишлаб чиқариш натижалари, иқтисодий ривожланиш даражаси, иқтисодий ўсиш суръатлари, меҳнат унумдорлиги таҳлили ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичларни тавсифлаш учун фойдаланилади.

79. Аҳоли жон бошига ЯИМ кўрсаткичи, мамлакатда аҳоли сони ўзгаришига нисбатан ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматларга статистик баҳо беради ва аҳоли фаровонлиги даражасини баҳолашда фойдаланилади.

## Фойдаланилган ахборот маълумотлар рўйхати

1. Система национальных счетов – 2008, Организация Объединенных Наций, Европейская комиссия, Организация экономического сотрудничества и развития, Международный валютный фонд и Всемирный банк, 2009г.;
2. European system of accounts – 2010, Eurostat, 2013;
3. “Ўзстандарт” Агентлигининг 2011 йил 28 январдаги 05-268 сонли қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси иқтисодий фаолият турлари умумдавлат таснифлагичи (2-тахрир)”;
4. Рекомендации ЕЭК ООН по внедрению Системы национальных счетов 2008 в странах Восточной Европы, Кавказа и Центральной Азии и Юго-Восточной Европы, Статистический Отдел ЕЭК ООН, 2013г.;
5. Методологические рекомендации по исчислению показателей выпуска и использования услуг финансового посредничества, измеряемых косвенным образом, в соответствии с СНС 2008, Статкомитет СНГ, 2012г.;
6. Рекомендации по применению положений СНС 2008: «Трактовка исчисления услуг страхования (кроме услуг страхования жизни)», Статкомитет СНГ, 2014г.;
7. Текущая практика расчетов показателей ВВП в странах СНГ: Общая характеристика расчетов, Статкомитет СНГ, 2013г.;
8. Методологические рекомендации по трактовке выпуска услуг центральных банков в соответствии с СНС 2008, Статкомитет СНГ, 2012г.;
9. Трактовка научно-исследовательской деятельности в СНС 2008 года, Статкомитет СНГ, 2009г.;
10. Обзор основных положений пересмотренной Системы национальных счетов 1993 года (СНС 2008 года) и предложения по их поэтапному применению в статистике стран СНГ, Статкомитет СНГ, 2008г.;
11. Энциклопедия статистических терминов, Росстат, 2011г.



”Ялпи ички маҳсулотни  
ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш  
бўйича услубий низом”га 1-илова

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
йиллик ЯИМ таркиби схемаси**

(жорий нархларда, млн.сўм)

Секция кодлари	Иқтисодий фаолият турлари номи	Ресурслар	Ишлатилиш	
		ишлаб чиқариш	оралиқ истеъмол	ялпи кўшилган қиймат
		1	2	3 = 1 – 2
A	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги			
B	Тоғ-кон саноати ва очик конларни ишлаш			
C	Ишлаб чиқарадиган саноат			
D	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
E	Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш			
F	Қурилиш			
G	Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш			
H	Ташиш ва сақлаш			
I	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар			
J	Ахборот ва алоқа			
K	Молиявий ва суғурта фаолияти			
L	Кўчмас мулк билан операциялар			
M	Профессional, илмий ва техник фаолият			
N	Бошқариш бўйича фаолият ва ёрдамчи хизматлар кўрсатиш			
O	Давлат бошқаруви ва мудофаа; мажбурий ижтимоий таъминот			
P	Таълим			
Q	Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш			
R	Санъат, кўнгил очиш ва дам олиш			
S	Бошқа турдаги хизматлар кўрсатиш			
	Билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматлари (-)			
	<b>Иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи кўшилган қиймат - жами</b>			
	Маҳсулотлар учун солиқлар			
	Маҳсулотлар учун субсидиялар (-)			
	<b>Бозор нархларида ялпи ички маҳсулот</b>			

”Ялпи ички маҳсулотни  
ишлаб чиқариш усулида ҳисоблаш  
бўйича услубий низом”га 2-илова

**Иқтисодий фаолият турлари бўйича  
чораклик ЯИМ таркиби схемаси**

(жорий нархларда, млн.сўм)

Секция кодлари	Иқтисодий фаолият турлари номи	Ресурслар	Ишлатилиш	
		ишлаб чиқариш	оралиқ истеъмол	ялпи қўшилган қиймат
		1	2	3 = 1 – 2
A	Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги			
B	Тоғ-кон саноати ва очиқ конларни ишлаш			
C	Ишлаб чиқарадиган саноат			
D	Электр, газ, буғ билан таъминлаш ва ҳавони кондициялаш			
E	Сув билан таъминлаш; канализация тизими, чиқиндиларни йиғиш ва утилизация қилиш			
F	Қурилиш			
G	Улгуржи ва чакана савдо; моторли транспорт воситалари ва мотоциклларни таъмирлаш			
H	Ташиш ва сақлаш			
I	Яшаш ва овқатланиш бўйича хизматлар			
J	Ахборот ва алоқа			
L	Қўчмас мулк билан операциялар			
K, M-S	Иқтисодий фаолиятнинг бошқа турлари (билвосита ўлчанадиган молиявий воситачилик хизматларини қўшган ҳолда)			
	<b>Иқтисодий фаолият турлари бўйича ялпи қўшилган қиймат - жами</b>			
	Маҳсулотлар учун солиқлар			
	Маҳсулотлар учун субсидиялар (-)			
	<b>Бозор нархларида ялпи ички маҳсулот</b>			